

Maorifat

معرفت
MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 йил 30 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

№ 105 (6511).
Баҳоси 1 сўм 50 тўйин.

ЯНГИ ЙИЛ ҚУТЛОВИ!

ҚАДРЛИ ХАЛҚ ЗИЕЛИЛАРИ!

Утган умрдан ризолик энг катта инсоний саодатдир, дейишди донолар. Зеро, 1992 йил жумҳуриятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлди. Жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг бир йиллиги нишонланди. Истиқболимиз кафолати бўлмиш Бош қонун — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинди.

Яқунланаётган йилда халқ таълими тизими ходимлари ҳаётида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари билан бозор иқтисодиёти шароитида халқ таълими ходимларини иқтисодий муҳофаза этиш тадбирлари амалга оширилди, Олий Кенгашимиз томонидан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун кучга кирди. Эндликда халқ таълими туб бурилишга юз тутди. Таълим-тарбия мазмуни ўзгартрилмоқда. Янги режалар, дастур, дарслик ва қўлланмалар яратилга киришилди. Ўзбекистон халқлари тарихи, одобнома, дин тарихи асослари ўқитила бошланди. Иқтидорли болаларни танлаш ва тарбиялашда дастлабки қадамлар қўйилди. Олий ўқув юртлирига талабалар қабул қилишда илк бор қўлланган тест синовлари ижобий самара берди. Булар, албатта, кенг қўламда олиб борилаётган таълим-тарбия ишларининг айримлари, амалга оширишимиз лозим бўлган улкан ишларнинг дебосчаси, холос. Биз бугун бой миллий-маданий, ахлоқий қадриятларимизни мактаб бағрига, ҳар бир ўқувчи шуури ва онига қайтаришимиз зарур. Мил-

лий мактаб — бу ўтмиш ва бугунги кун қадриятлари тажассуми.

Бугун бутун ўқув-тарбия жараёни мустақил жумҳуриятимизнинг бўлғуси фуқаролари шахсини тарбиялашга қаратилмоғи мақсадга мувофиқ. Негаки, мустақиллиқнинг ҳақиқий медаларини бугунги ўқувчилар тотиб кўришади. Ватан мустақиллиги — бу жаҳоний миқёсларда иш юритиш, эл-юрт тақдирини баркамол шахслар зиммасига топшириш, демак.

Жумҳуриятимиз шаҳар ва қишлоқларида ана шундай юксак мезонлар асосида ёшларга таълим-тарбия бераётган фидойи ўқитувчилар кўп. Галдаги муҳим вазифа уларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштиришдан, халқ таълимининг барча жабҳаларида жиддий ўзгаришлар ясашга эришишдан иборат. Болалар учун ўқитувчи ибратидан юксакроқ таълим йўқ.

Ҳурматли халқ таълими ходимлари, муҳтарам муаллимлар, тарбиячилар, азиз ўқувчилар!

Янги йил эшик қоқмоқда. Янги йил — таълим ва тарбияда янги-янги имкониятлар, фидойилик ва ватанпарварлик намуналари кўрсатиб ишлаш ва ўқиш учун кенг фаолият майдонидир.

Янги йилнинг муборак бўлсин! Барчангизга мустақкам соғлиқ, битмас-туганмас бахт-саодат, оилангизга тотувлик, олижаноб фаолиятингизга баркамоллик тилаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ.



Ассалом, келажак!

Равил АЛИБЕКОВ сурат-лавҳаси.



МЕҲНАТГА ҲАҚ
ТУЛАШДАГИ
МУҲИМ ЯНГИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси «1993 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ундан қўзда тутилган асосий мақсад, иш ҳақининг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, турли тоифалардаги ходимлар меҳнатига меҳнатнинг мураккаблиги ва ходимларнинг малакасига боғлиқ ҳолда ҳақ тўлашнинг асосланган даражаларини белгилаш, бу даражаларни бундан буён сақлаб туриш воситасини вужудга келтиришдир.

Маълумки, шу пайта қадар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари мухтаassisлари меҳнатига ҳақ тўлаш даражасида жиддий тафовутлар мавжуд эди. Янги қабул қилинган ҳужжат ана шу номуносиблиқнинг кучайишини бардараф этишга имкон беради.

Ягона тариф сеткаси негизга энг кам иш ҳақи миқдори (ойига 2 минг сўм) ҳамда меҳнатнинг мураккаблиги ва ишчиларнинг малакасини ҳисобга олувчи табақалаштирилган коэффициентлар асос қилиб олингандир.

ШАРТНОМАЛАР
ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Франциянинг Брест шаҳридаги олий савдо мактаби билан бир йил муддатга ўқитувчилар ва талабалар алмашиш тўғрисида битим тузди. Шунингдек, бизнинг олий ўқув юртлиримиз вакилларининг Тура шаҳридаги университетда, Париждаги олий савдо лицейида стажировкасини ўтказиш тўғрисида ахдлашувга ҳам эришилди.

Франция вазирликлари вакиллари билан бизнинг делегацияларимиз бу мамлакатда бўлган чоғда юқоридаги сингари қатор ҳужжатлар имзоланди. Франция таълими ва маданият вазирлиги халқаро педагогик марказининг таклифи бўйича МДХ қатнашчилари бўлган саккиз давлатнинг делегациялари бу мамлакатда бўлдлар. Ўзбекистон делегациясини Республика Олий ва ўрта махсус таълими вазири, академик Ж. А. Абдуллаев, халқ таълими вазири Ж. Ф. Ўлдошев, Тошкент давлат иқтисод университети ректори С. С. Ғуломовлар бошқардилар.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари сафар давомида Франция Таълим ва маданият, Таъқиқ ишлар вазирликлари, Савдо-саноат палатаси раҳбарлари билан учрашдилар, бу мамлакатнинг бир қатор ўқув юртлирида бўлиб, таълимни ташкил этиш масалалари бўйича тажриба алмашдилар, амалий алоқаларни йўлга қўйишни келишиб олдилар.

Сеър шаҳри мэри Тошкент шаҳри районларидан бири билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнаттиш истгани ҳам изҳор этди.

ПАРТАЛАР КЎПАЯДИ

Яқинда Сирғали районидagi 27-хунар-техника билим юрти қошида тузила бошлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган устахона ўз фаолиятини бошлади. Бир йилда 10—12 миллион сўмлик махсулот тайёрлашни мўлжаллаётган корхона ишчилари ўқувчилар асосан мактаб-

лар учун турли мебеллар етказиб бериш билан шуғулланилади. Керакли хом ашёни Республика Халқ таълими вазирлиги ўз зиммасига олди.

Шу кунги билим юртида Тошкент шаҳридаги хунар-техника билим юртлири директорларининг «Бозор иқтисодиёти даврида хунар-

техника билим юртлири ишларини ташкил этиш» мавзусида семинар-кеңаш бўлиб ўтди. Вазир Жўра Ўлдошев ўз сўзида янгиликни қўлаб, ҳар бир билим юртининг бу борада қилиши лозим бўлган юмушлари тўғрисида алоҳида тўхтади.

Мухбиримиз.

ЯНГИ ЙИЛ ИСТАГИ

Бугун янги йилнинг қалб денгизида Тўққини ўзгача, мавжи ўзгача. Элим, кўзларингга нур ато этган Истиқбол кўшигин авжи ўзгача.

Бугун англаясан, жонажон юртим Эрку адолатнинг мазмуни нима? Нурли қирғоқларга элтишин фақат Идрокнинг нуридан яралган кема.

Бугун англаясан кечмишин қайда, Келажакнинг уфқи ёрқин, ноёрқин. Нечоғлик буюқдир ўзим, ўзлик деб Қўзингдан таралган ҳар қатра ёлқин.



Англаб етмоқдасан, заҳматқаш халқим, Қайга бошламоқда пойдор саробнинг. Дунёларга туташ йўллардан қайта Утаётганини катта карвонинг.

Янги йил ҳурмати, истиқлол ҳаққи, Янги зафарларнинг завқини тотгин. Дунё бир денгиздир, сен унда элим Янги тўлқин бўлиб кенг қулоч отгин!

Барот ЯРАШЕВ,

Қибрай районидagi 25-ўрта мактабининг тил ва адабиёт ўқитувчиси.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўқитувчилар, таълим-тарбия ходимларининг сермашаққат меҳнатини, бу соҳада олиб бораётган ишларини кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида таълим-тарбия борасида янгилик яратаётган, давр талабидан келиб чиқиб мустақил изланаётган ўқитувчилар, педагог жамоалар ҳақида ёзилган энг яхши бадий очерклар учун 1993 йилнинг 1 январидан бошлаб конкурс-танлов ўтказишга қарор қилди.

Конкурс шартига биноан ёзиладиган очеркларда ўқитувчининг ёки педагог жамоанинг халқ таълими ривожига қўшаётган янгилиги, ижодкорлиги, ўзига хос янги услуби, ноанъанавий тадбирлари ҳамда унинг натижалари, миллий тарбия соҳасида олиб бораётган ибратли ишлари бадий акс этиши керак.

Конкурс-танловда голиб деб топилган очерклар учун қуйидаги мукофотлар белгиланди:

- 1. Битта биринчи мукофот — 10000 минг сўм миқдориди.
- 2. Иккита иккинчи мукофот — 8000 минг сўм миқдориди.

3. Учта учинчи мукофот — 5000 минг сўм миқдориди.

Конкурс-танловда очерклари ижобий баҳоланган асар муаллифлари Республика Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланадилар.

Конкурсга ёзувчилар, журналистлар, ижодкор ўқитувчилар қатнашиши мумкин.

Конкурсга тушган бадий очерклар танлов ўтказувчи ҳайъат томонидан маъқуллангач, «Марифат» рўномасида мунтазам ёритилиб борилади ҳамда унинг натижалари 1993 йилнинг 1 сентябрида яқунланади.

Конкурсга жўнатиладиган бадий очерклар қуйидаги манзилга — 700078, Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 5-уйга, Конкурсга деган таъкид билан юборилиши керак.

Қадрли қаламкаш дўстлар!
Танловга марҳамат!

МУКОФОТ МУБОРАК

Ўзбек шеърининг ҳасос маликаси Нодирабегим — Моҳдаройим таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан Самарқанд вилояти ҳокими махсус мукофот таъсис этган эди.

Яқинда кўп йиллик ҳалол меҳнати, оиладаги вафодарлиги, фарзандлар тарбиялашдаги фидойилиги, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун 22 нафар аёл вилоят ҳокимлигининг Моҳдаройим — Нодирабегим мукофоти билан таъдирландилар.

Мукофотланганлар орасида уй бекалари, ҳамда мураббий, санъаткор ва ишчи-хизматқилар бор.

З. БАҲРИЕВ,
ўз мухбиримиз.

Душман, душман!

Тошкент шаҳрида давлат, саноат корхоналари, ишлаб чиқариш бирлашмалари, кўришлиш ташкилотлари ва бошқа турли муассасалар, идоралар жуда кўп. Лекин маббуотда уларнинг илм масканларига, мактабгача тарбия муассасаларига оталик ёки ҳимийлик қилаётгани, бу борада амалга ошираётган ишлари хусусида аён-аёнликка эришилган мақолалар ёритилди, холос. Янги йил бўсағасида халқ маорифига ўз сармоясини ялмаяётган ушбу ташкилотлар ҳақида бироз тўхталиб ўтишни лозим деб ўйлайман.

ҲОМИЯЛАРИМИЗ ҲАҚИДА СЎЗ ҲАМКОРЛИК — ҒАМХЎРЛИК

Шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси тизимида 316 мактаб, 415 болалар боғи, 51 мактабдан ташқари муассаса, 25 та кечки (смена) мактаб, 12 мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинати, 4 та болалар уйи ва 45 та хунар-техника билим юрти фаолият кўрсатмоқда. Табиийки, аҳоли ўсгани сайин бу муассасалар сонининг ортиб боравериши ҳаётий заруратдир.

Шу қонуниятга асосан 1992 йили шаҳарда 1280 ўринли 3 та мактабгача тарбия муассасаси, 2822 ўринга мўлжалланган 2 та мактаб, 1040 ўринли 2 та кўшимча мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Янги биноларни «Гавташкентстройнинг» 159-қурилиш трести заҳматқашлари материаллар тақчиллигига қарамай, муддатидан илгари ишга туширишга эришилди. Айниқса, Урта Осиё темир йўли бошқармасига қарашли 40-мактаб жамоасининг янги замонавий бинога эга бўлиши Миробод районини ҳудудда яшовчиларнинг ҳам қувончига қувонч қўшди.

Илм масканларини, мактабгача тарбия муассасаларини янги ўқув йилга ва кишики мавсумга тайёрлашда район ҳокимиятлари, уларни оталиққа олган корхона ва ташкилотларнинг иштироки эътиборга лойиқдир. Собир Раҳимов, Мирзо Улугбек, Ҳамза, Миробод, Сирғали, Акмал Икромов, Бектемир

ҳалқ таълими бўлими, «Таш-теплокомэнерго» бирлашмаси ёрдами билан мактабдеги иситкичлар марказий иситиш тармоқига уланди. Шунингдек, Чилонзор районидagi 270-мактаб печларига ҳам кўмир ёқиларди. Район ҳокимиятининг бевосита кўмаги тўғрисида билим даргоҳи суви билан иситишга мослаштирилди.

Район ҳокимиятлари, оталиқ ташкилотлари шаҳар халқ таълими муассасаларига жами 45 миллион сўмлик ёрдам кўрсатди. Ҳар қандай меҳнат тури, албатта, рағбатлантироғи даркор. Бунини инобатга олиб Бош бошқармаимиз шаҳар халқ таълими ходимларининг авж-авж келган келатган оталиқ ташкилотлари раҳбарларидан бир гуруҳини «Ўзбекистон халқ маорифи аълочилиги» нисвои билан таъдирлади.

Тараққий ривожини миллий кадрлар билимдонлигига боғлиқ. Унинг тамал тоши аса болалар боғчаларида, илм масканларида қўйилди. Шунинг учун бу жараёни янада такомиллаштириш учун ўзaro ҳамкорлигини бундан кейин ҳам мустақкамлашга зарур. Ҳамидулла Яўлдошев, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи.

Янги йил ҳазили



Яшнар АВЛОҚУЛОВ,

Шахрисабз райондаги Амир Темури номидаги 1-ўрта мактабининг тил ва адабиёт ўқитувчиси, «Ўқитувчи-92» республика кўрик-тайлови галооби.

Беллашувда бир лаҳза кураш осон кетмади. Сувни кўрмай Яшнарбек Этигини етмади.

Маҳоратни кўрсатди Биллажи ишта солиб. Муносиблар баҳсида Бўлди муносиб голди.



Узоқбой МИСЛИСБОВ,

Пайариқ райондаги 49-мактабининг олий тоифали биология муаллими, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси

Қирқ йил ишлаб мактабда Истиқболни кўлади. Билми бериш йўлини Самарасини налади. Мислисбоев Узоқбой Табиятга чин ошди. Халқасларга дарслари Кўнглидай доим очди.

МАКТАБ ХАНДАЛАРИ

«БЕШ УН»

Онаси биринчи синфда ўқийдиган ўлини саволга тутди: — Унге бешни кўшас экче бўлади? — Ҳа беш, — деб жавоб берди болаки.

— Бешга ўрни кўшас-ки? — Беш ўн...

ҲАЛАТИ ЖАВОБ

— Нега ёмиг ёгапти! — сўради жуғрофия ўқитувчиси ўқувчилардан.

— Чунки бу йил ёз бўлмади-да, — жавоб қайтарди ўқувчилардан бири.


— Ундой бўлса, уч ойлик ёғи таянч ҳам бўлмас экан-да-а? деди кимдир.

Хасан ОТАҚУЛОВ, Тошкент вилояти Бекобод райондаги 42-ўрта мактаб муаллими.

НОДИРАБЕГИМ ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНГАН БОШҚОТИРМА

1. Шойра қалам тебратган жанрлардан бири. 2. Нодирани устоз сифатида эъзозлаган шойра. 3. Ҳазаллар мажмуаси. 4. 1982 йилда шойранинг мукаммал дебони топишга жойининг номи. 5. Нодира ҳазалларига боғланган муҳаммасларни ёзган ўзбек шойри. 6. Шойранинг асл номи. 7. Алабий жанр. 8. Нодира таранум этган мазму. 9. Шойра олим-фойиллар ҳатоту-нақошларини ўз хизматига қабул қилган шаҳарлардан бири. 10. Моҳларойим мадрасасини бино эттирган растанинг номи. 11. Маърифатпарвар шойранинг тахаллуси. 12. Нодира таваллуд топган жой. 13. Атоқли кино устаси К. Ерматов шойрага бағишлаб яратган фильм. 14. 1824 йилда Марийлон ҳокими бўлган шойранинг қўбшли ўғли. 15. Нодирага бағишланган «Ҳафт гулшани» достони муаллифи, XVIII асрда яшаб ижод этган ўзбек шойри. 16. «Нодира» мусиқали драмани айланди. 17. Шойра қўйлаган мазму. 18. Ният, истак. 19. Нодира ёш болаларни ва канизақларни ўқитиш учун саройга тақдир қилган шойра.

Тузувчи Шавкат ҚИДОЯТОВ.



ШТАБ МАШҒУЛОТИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида фуқаро мудофааси бўйича штаб машғулотини ўтказилди.

Машғулотта вазирлик марказий девонидидаги бошқармалар ва бўлимларнинг раҳбарлари, вилоят халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ҳамда педагогика олий ўқу юрларининг ректорлари иштирок этдилар.

Ўзбекистонда 1992 йилда фуқаро мудофааси бўйича амалга оширилган тадбирлар ва 1993 йилга мўлжалланган режалар тўғрисида вазирликнинг сафарбарлик иши ва фуқаролар мудофааси бўлимининг етакчи назоратчи-методисти Е. Панов қисқача маълумот берди.

Штаб машғулотига Тошкент шаҳар ҳокимияти халқ таълими бош бошқармаси назоратчиси В. Купчик, Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасининг ёшларни қақриққа тайёрлаш бўйича биринчи тоифали мутахассиси С. Солиқонов, Низомий номи Тошкент давлат педагогика институти

фуқаро мудофааси штаби бошлиғи В. Леонов, Навоий давлат педагогика институти фуқаро мудофааси штаби бошлиғи Н. Кудяков, Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи О. Тоқиев, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазир Т. Отамуротов, Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Э. Қўйишев, Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Б. Насриддиновлар сўзга чиқиб, бир қатор саволларга аниқ жавоб бердилар.

Халқ таълими вазирининг ўринбосари Б. Қодиров фуқаро мудофааси бўйича штаб машғулотига яқун ясаб, иштирокчиларга жойлардаги шаҳар ва район халқ таълими бўлимларида ҳам ана шу мавзуда машғулот ўтказиш лозимлигини таъкидлади.

Штаб машғулотига халқ таълими вазирининг ўринбосари М. Қурбанов иштирок этди.

Музбиримиз.

КЕЛГУСИ

СОНЛАРДА:

- Эркин ВОҲИДОВ. Устозлар ва шоғирдлар Хуршид ДАВРОН. Нақшбандий ҳикматлари Ашуралӣ ЖУРАЕВ. Маънавият чироғи Маматқул ЖУРАЕВ. Рақамлар сехри

ЁШ КЎНГИЛЛАР ЯЙРАЙДИ

техника билим юрлари талабаларининг Янги йил байрамларида, карнавалларига ота-оналар қўмиталари, оталиқ ташкилотлари, ҳомий идоралар бош-қош бўлишади.

Мақтабларда таҳсил олаётган интидорли ўқувчилар аниқ фанлар, адабиёт ва тарих, экология бўйича билим ва кўникмаларини компьютерда намойиш қиладилар. Болалар ва ўсмирлар

Ҳўнинг, спорт заллари ҳам ниҳоятда гавжум бўлади. Бу ерда волейбол, теннис, баскетбол, шахмат, шашка мусобақаларида 9 мингдан зиёд йигит-қиз иштирок этади. Ўқувчилар байрам кунларида ижодий уюшмалар вакиллари билан ҳам учрашадилар.

Ҳозир мактаблар қошида очилган оромгоҳлар учун зарур бўлган арчалар, ўйна-чоғлар, адабиётлар ва жи-ҳозлар учун етарли маблағ ажратилди.

З. ТўЛАГАНОВА.

Ўқувчи ён дафтарига

Олимлар оламда юз мингдан зиёд ҳид борлигини аниқлаганлар. Одам бир неча минг ҳидни сезади. Ҳайвонлар эса одамлардан сезирроқ. Масалан, итлар бир ярим миллионга яқин ҳидларни фарқлайди. Айниқса, изкувар итлар энг нозик ҳидларни ҳам илғай олади.

Аmmo бу борад, баллиқлар ва ҳашаротларнинг олдида тушадигани йўқ. Капалаклар бир-бирларини бир қанча километрдан ҳам ҳид орқали топиб олиш лаёқатига эга. Бунинг сирини мадада, ҳозирча номаълум. Баъзи олимлар таҳминича, ҳидли моддалар тарқатган электромагнит тўлқинларини ҳашаротлар гоат нозик илғайди.

Дунёда энг ўзоқ яшган кимса инглиз, Томас Кари бўлиб, черков ёзувларига биноан Лондонда туғилиб, 207 йил умр кечирган.

Оропендола деган тропик қўши тухумини, ҳайвонларга ўғирлатмаслик учун арлар улси ёнида ин қўяр экан.

Чумоли ўздан 1400 марта оғир юкин судраб кета олади. Одамнинг бир кунда кўрганларини кинога тушириш учун 19 километрдан ортқи киноплёнқа керак.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти, Ўзбек ва қозоқ филологияси факультети жамоалари ўзбек адабиёти кафедрасининг доценти, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси Мама-соли Жумабойев отаси

Жумабой ҲАСАН ўғли вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги С. Айнинг номидаги 84-ўрта мактаб жамоаси рус тили ўқитувчиси

Муҳаббат БЕКМУҲАМЕДОВА бевақотат эртанлиги муносабати билан чуқур таъзия нэҳор этади.

«Ўқитувчи» наشريети жамоаси наشريетининг собиқ ходими, кекса ўқитувчи

Хусан КҲЖАЕВ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия билдиради.



Боғчамизга Қорбобо келди. Р. АЛЪБЕКОВ сурати.

«ФАРОСАТ» (ҲАЖВИЯ)

Телефон шитоб жириглаб қолди. Гўшакни кўтардим. Ундан бўғиқ, тақдидли овоз эшитилди.

— Узингизми? — Узинман.

— Мана бу ерда бир ҳажвиягиз бор экан, «Қизил, думи оқ, ҳанги эшак йўргалаб кетайтиб сувни кўрди. Сувнинг ўртасига етганда орқа оёқларини керди...» дебсиз. Шундайми? — Шундай.

«Эшакнинг думи оқ» деганда нимани назарда тутгансиз? — Думининг оқлигини-да.

— Унда нега эшакнинг думини аттай оқ деб ёзасиз, қизил, ёки кўк деб ёзмагансиз? — Чунки эшакнинг ўзи қизил, думи оқ-да.

— Ҳмм... хўп, унда айтинг-чи, «ҳанги эшак» деганда нимани назарда тутгансиз? — Эшакнинг ҳангилигини.

— Ҳмм... хўш, яна! — Чунки бу эшак нар, баъзан ҳанграб ҳам кўяди.

— «Ҳанграйди» деганда нимани назарда тутгансиз? — Ҳанграйди деганда эшакнинг «Иа-на-аа!» деб овоз чиқаришини назарда тутганман.

— Бу ерда «Иа-на-на-аа!» демаган-ку.

— Ҳа, энди.

— Бўлмабди.

— Нима бўлмабди? — Эшакнинг ҳанграши... Хўп, яна бир гап. «Эшак сувни кўрганда орқа оёқларини керди» деганда нимани назарда тутгансиз.

— Эшакнинг орқа оёқларини кердиши-ни-да.

— Ҳмм... нега эшак аттайи орқа оёқларини керди ёки унинг олдинги оёқлари йўқми? — Бор, лекин эшак фаросатсиз-да... сувни кўргач, орқа оёқларини кериб... — Ҳа, ана, бефаросат деганда кимни назарда тутгансиз? — Эшакни-да.

— Эшак ҳайвон-ку, унда фаросат нима қилади? — Тўғри, эак одам эмас-да, шунинг учун ҳам ундан фаросат йўқ.

— Ҳмм... а, нега одам бўлмаса уни эшак деб ёздигиз? — Чунки, у эак-да.

— Йўқ, тўғри, гапни кўпайтирмаг, хўп, майли, эшакнинг думи ҳам оқ бўлсин, нега уни қизилранда деб ёзасиз? — Чунки эшакқизил-да.

— Хўш, энди аз менга айтинг-чи, эшакнинг фаросатсиз бўлишида қизил деб ёзиш шартми? — Хўп, розим, унда эшак қора бўла қолсин.

— Қора дейсиз, нега энди эшак оқ бўлмас экан? — Бўлди-бўлди, майли, эшак сариқ бўла қолсин.

— Қайдам. Ҳим, унда думи-чи? — Майли, думи қизил бўла қолсин.

— Э, яна қизил айсиз-а? Намунча қизилга осилиб олдингиз? — Майли, эшакнинг думи ҳам оқ бўла қолсин.

— Келишдик. Энди гап, эшакнинг ҳанги бўлиши шартми? Ў, эшак ургочи бўлса нима қилади? — Тўғри-ю, лекин ҳанги эшак сувни кўрса оёқларини кўприқ кереда-да.

— Ургочи кермайди, оёқларини? — Кўрмаганман.

— Унда шартми, ҳангининг оёқларини керши? — Энди эшакнинг фаросатсизлигини кўрсатмоқчи эдим-да.

— Менга қаранг, ука, бу эшакнинг фаросатсизлигини кўрсатиш шартми? Шунча одам турганда, нима қиласиз гапни кўпайтириб.

— Бўпти, бундан кейин, бефаросат эшаклар ҳақида эмас, фаросатсиз одамлар ҳақида эъганим бўлсин.

— Ҳа, ана бу бошқа гап. Бўлди, келишдик ука. Фақат бефаросат кишиларни ёзганда уларнинг отини чик, конкрет қилиб, кўрсатишни унутмасангиз бўлган. Хўп, хайр ука.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: маъсул саркаторъ — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, ишврийёт диспетчер — 32-78-94, ишврийёт телефон станцияси навабетииси — 33-90-50.